



2017 год – Год диалога с народом и интересов человека

**ГАРМОНИЧНО РАЗВИТОЕ ПОКОЛЕНИЕ –
УСЛОВИЕ СТАБИЛЬНОГО РАЗВИТИЯ,
БЛАГОПОЛУЧИЯ И
ПРОЦВЕТАНИЯ ОБЩЕСТВА**



Кўриб турибдики, баркамол авлодни тарбиялаш учун, на фақат таълим муассалари раҳбарлари балки, ҳар бир шахс-тарбияловчи, ибрат омили билан фаолият юритиши керак. Бу эса ҳар биримизни биринчидан, оиладаги ва жамоадаги тарбияга маъсулиятимиз орқали фарзандларимиз ва ўқувчиларимиз орасидаги ишларни уйғунлаштиришга олиб келса, иккинчидан, ўзингиз ҳақида ижтимоий фикрларни маънавий манфаатингиз ва бойлигингиз-обруйингизни оширишга сабабчи бўлади.

Изоҳлашда I-V бўғинлари деярли жуда яхши амалга оширилганлигини баҳс мунозара ёрдамида асослаймиз. Лекин IVданVга ўтиш ва кейинги қадамлар анча долзарб ва қийин муаммолардан эканлигини изоҳлаб, хозирги кундаги олий таълим, айниқса академик лицей, касб-хунар коллежлари ўқитувчилари асосан ўрта мактабдан, касб-хунар, техника билим юртлари (ПТУ) ёки техникумларда ишлаганлигини ҳисобга олиб, улар бирданга 80 минутлик дарста пухта тайёргарлик талаб қиладиган жараёнга тайёрланишларикийин кечини асосий муаммолигини айтиш керак. Ҳар бир раҳбар ўз муовинлари билан биринчи навбатда шу муаммони тез ва соз ҳал қилишга эришиш шарт. Бу осон иш эмас лекин, шўнга эришиш шарт, акс холда натижа ҳеч қачон ижобий бўлмайди. Бу жараёнда албатта, ўқитувчи-ўқувчи орасидаги муносабатни тубдан ўзгартариш керак. Чунки ҳар доим ҳам хозирги ўқитувчи, мен тўғри гапиряпман, мен ҳақман, сен хато гапиряпсан дея олмайди. қолаверса, ёшлар билимга анча чанқок, кўп нарсаларни билали, зехни, фикрлаши ўзгача. Шуларни ўзаро муносабатда инобатга олиш керак. Бош мезон эса, ҳар бир жамоа раҳбари, ўқитувчи-мураббийларда ўзгаларни эшитиш фазилигини кўникмага айланишига эришиш зарур. Бу унча қийин бўлмаган иш ва бировларга умуман боғлиқ эмас. Ҳар бир фидойий ўқитувчи-мураббийдан озгина сабр қаноат талаб этади. Шу ўринда америкалик машхур нотик психолог Дейл Карнеги “Яхши суҳбатдош-яхши гапирини биладиган эмас, балки яхши тинглашни биладиган суҳбатдошдир” деганда айнан шу қобилиятларнинг инсонларда ривожланган бўлишини назарда тутган эди. Мутахассисларнинг

фикрича ишлаётган одамларнинг 45% вақти тинглаш жараёнига кетар экан, бундан шундай хулоса чиқадики коммуникациянинг энг қийин соҳаларидан масобланган тинглаш қобилияти одамга кўпроқ фойда келтирган, шунинг учун бўлса керак немис файласуфи А.Шопенгауэр “Одамларнинг ўзингиз ўғрингиздаяхши фикрга эга бўлишларини хоҳласангиз, уларни тингланг” деб ёзган экан. Шу икки нарса ҳар бир олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси ўқитувчи-мураббийлари учун кундалик амалий шиорга айланишини ҳар бир раҳбар ташкил этиши ва бошида доимий назоратда ушлаши шарт.

Адабиётлар

1. Каримов И.А.Юксак маънавият-енгилмас куч. Иккинчи нашр. – Тошкент: Маънавият, 2011.
2. Баркамол авлод орзуси. - Тошкент: “Шарк” НМҚ, 1999.

МОДУЛЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Н.М.Сафарбаева, ТИМИ

Таълим мазмунини модернизациялаш жараёнида модулли таълим педагогик технологияларнинг бир тури сифатида таълим жараёнига тобора кенгрок ёйилмоқда. Модул лотинча «modulus» сўзидан келиб чиқиб, “ўлчов”, “туғун”, “ўзак” маъноларида ишлатилади.

Педагогик технологияларда **модул** - маълум тамойиллар асосида ишлаб чиқилган, ўқув фанининг бир ёки бир нечта тушунчаларини ўрганишга қаратилган ўқув материалининг мантқиқий яқунланган бирлиги деб қаралади.

Модулли таълимнинг асосида ўтган XX асрнинг ярмида таълим тизимида қўлланилган дастурли ўқитиш жараёнлари ётади. Н.Сайидахмедов: «Модулли ўқитишнинг моҳияти шундан иборатки, ўрганувчи қисман ёки тўлиқ қаракатларнинг максадли дастурини, ахборотлар банкни ва қўйилган дидактик максадга эришиш бўйича методик кўрсатмани қамраб олган индивидуал ўқув дастури билан ишлаши мумкин. Бунда педагог вазифаси ахборотни назорат қилишдан тортиб маслаҳатчи –координацияловчиликка қадар турланишдан иборат бўлади» деб таъкидлаган эди.

Таълим мазмунини модернизациялаш жараёнида блокли, модулли ва муаммоли-модулли таълим технологиялари дастурли ўқитишнинг турлича дифференциалланган шакллари мавжуд.

Таълим мазмунини модернизациялаш жараёнида модулли ўқитишнинг мақсади: таълим мазмунининг шахснинг индивидуал эҳтиёжларига ва эгаллаган билим даражасига мувофиқлаштиришдан иборат. Модулли таълим ўқитиш жараёнини системали ташкил этилишига, ўқув фаолиятини янада фаоллаштиришга, математика ўқув предмети мазмунини тез ва сифатли ўзлаштириб олишга, ўқувчиларда ўз-ўзини назорат қилиш, баҳолаш ва ўз ишини режалаштириш кўникмаларини ривожлантиришга имкон беради.

Таъкидлаб ўтилишича: "Таълим-тарбия жараёни учта ўзаро бир-бирига алоқадор бўлган тушунчалар - таълим, тарбия ва шахс ривожланишини ўзида акс эттиради". Шундай экан, модулли таълим технологияси бу учликни баробар таъкид қилиш имкониятини яратади. Модулли технологиянинг яна афзалликларидан бири, таълим мазмунини тартибга солишдан иборат. Бунинг учун модуль дастурига математика ДТС талаблари асосида ўқувчилар фаолиятини етарли даражада муваффақиятли амалга оширишга имкон берадиган ахборотларни танлаб олиниши лозим.

Таълим мазмунини модернизациялаш жараёнида модулли таълимнинг мазмуни таълим жараёнини модуллар асосида лойihalаштирилиши ва таълим олувчиларнинг индивидуал ўқув дастури асосида мустақил ишлашдан иборат. Бу математика ўқув предмети ва унинг бўлимлари мазмунини тартибга солиш, таълимнинг муайян босқичидан бошлаб йўналтирилган фаолиятни мантикий боғланган қисмларга ажратиш билан баробар. Сўнгра ажратилган шу модульнинг ўзига тегишли мақсад, фаолият мазмуни ва таъсири доираси белгиланади. Модулли технологиянинг мақсади унинг дастурини босқичма-босқич амалга оширилиши орқали рўёбга чиқади. Ушбу жараёнда содир бўлаётган ҳар бир фаолият битта ўқув элементи сифатида қаралади.

Ўқув элементи ўз ичига: фаолиятнинг аниқ элементларини ўргатиш билан боғлиқ бўлган назарий ва амалий ахборотларни, таълим учун зарур бўлган фаолиятни таъминловчи материаллар ҳақидаги маълумотлар, таълим олувчиларнинг ҳаракатлантирувчи мақсадлари, ўқув материаллари ҳажми, ўқув шароитини назорат қилиш воситаларини қамраб олади.

Таълим технологияси жараёнининг умумий мақсади таълим муассасаси, ўқув предмети ёки унинг бирор бир бўлими мақсади, педагог ва унинг методик фаолияти идентификацияси, модуль ўқув элементи мақсадига боғлиқ.

Аналитик босқичда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим ўқирисида»ги қонун, ўқув предметлари бўйича ДТСлари, уларда илгари сурилган ғоялар асосида чиқариладиган ҳулосалар, ёш авлоднинг барқамол шахс этиб шакллантиришга йўналтирилган таълим мазмунини, шунингдек тегишли машғулотнинг умумий аниқ мақсадига эришиш учун таълимнинг шаклиий шаклини танлаш ҳисобга олинади. Концептуал босқичида таълим концепциялари, таълим тизими босқичларида назарда тутилган асосий ғоялар, умумий ҳулосалар ҳисобга олинади. Мақсадли босқичида таълим муассасасининг узоқ муддатга мўлжалланган мақсади, таълим йўналиши ва алоҳида олинган ўқув предмети таркибидаги аниқ бир блокнинг ифодаланиши ҳисобга олинади. Жараёنли босқичида ўқитувчининг вазифалари, шунингдек ўргатувчиларнинг ўқув фаолиятини бажаришга йўналтирилган таълим тури, таълим методлари намён бўлади. Бу жараёнда ўқитувчи ва ўргатувчи таълимнинг ўзига тегишли демократик тамойили, самарали усул, шаклиий шакли ва таълим воситаларининг танланишига алоҳида аҳамият берилади.

Модулли ўқитиш технологиялари-мажмуавий интеграл (ўзаро узвий боғлиқ) тизим бўлиб, унда таълим мақсадлари асосида белгиланган билим, қўникма ва малакалар ўқув жараёнини алгоритмлаш; таълим мазмунини танланган қисмларга ажратиш; тушунишнинг барча босқичларида танланганлик ва мувофиқлашганлик; назарий материалларни блокларда

мустаҳкамлаш; асосий қонда-индивидуаллаштириш ва табақалаштириш; фаолиятнинг барча тузилмаларини қўллаш (мақсадли, режали, ташкилий, ишчанлик, натижани назорат қилиш ва баҳолаш); ўрганувчиларнинг ўз-ўзини бошқариши ва ўз-ўзини ривожлантириши; ўқитувчи ва ўрганувчининг ҳамкорлик принципи; ўқув материални дедуктив мантик асосида бериш; умумийликдан хусусийликка ўтиш; ўқув ахборотини умумлаштириш, мустаҳкамлаш, системалаштириш ва бошқаларда акс этади.

Шундай қилиб, математика дарсларининг самардорлигини ошириш ва бунда ўқувчилар томонидан математик алгоритмларни ўзлаштириш учун ўқув ахборотларини қабул қилиш, фикрлаш, мушоҳада қилиш, қайта ишлаш ва амалда қўллаш зарур бўлади.

Алабиётлар

1. Сайлаҳмелов Н. Янги педагогик технологиялар. - Т.: Молия, 2003.
2. Фарберман Б.Л. Илгор педагогик технологиялар. - Т., 1999.

“O‘ZBEK MODEL” ISTIQBOLIMIZNI BELGILAB BERGAN TARAQQIY YO‘LI

Z.X.Aripova,

TATU “Elektronika va Radiotexnika” kafedrası assistenti

“O‘zbek modeli” – amalda o‘zini oqlagan, yorug‘ istiqbolimizni bergan taraqqiyot yo‘lidir.

I.A. Karimov

O‘zbekiston Respublikasi “Mustaqil davlat” deb e‘lon qilingandan so‘ng, o‘z oldiga ochiq tashqi siyosatga, erkin bozor iqtisodiyotga asoslanadigan huquqiy, demokratik davlat va fuqarolik jamiyatini barpo etish pirovard vazifa sifatida belgilab oldi. Shu o‘rinda o‘zining boshqa davlatlarga o‘rnak bo‘la oladigan milliy “o‘zbek modeli”ga asos soldi. Ushbu model bevosita yurtboshimiz g‘oyalari va tashabbuslari asosida dunyoga keldi va quyidagi ta‘moyllarga asoslanadi.

O‘zbekistonda qabul qilingan “o‘zbek modeli” deb nom olgan ijtimoiy yo‘naltirilgan erkin bozor iqtisodiyotiga o‘tishning mafkuradan holi etish, uning siyosatdan ustunligini ta‘minlash, davlatning bosh islohotchisi vazifasini bajarilishi, qonun ustuvorligiga erishish, kuchli ijtimoiy siyosat yuritish, islohotlarni bosqichma-bosqich va izchil amalga oshirish kabi mashhur besh ta‘moilga asoslangan o‘ziga mos yo‘li - bularning barchasini, ayniqsa 2008 yilda boshlangan va hanuz davom etayotgan jahon moliyaviy-iqtisodiy inqirozi davrida o‘zining nechog‘lik to‘g‘ri va hayotiy ekanini isbotlaydi.

O‘tgan davrda amalga oshirilgan barcha ishlarimizni baholar ekanimiz, bugungi O‘zbekistonning shakllanishidagi ikki bosqichni alohida ajralib ko‘rsatishi uchun barcha asoslarimiz bor: 1991 yildan 2000 yilgacha bo‘lgan muddatni o‘z ichiga oladigan birinchi bosqich o‘tish davri va milliy davlatchilik asoslarini shakllantirish bilan bog‘liq birinchi galdagi islohot va o‘zgarishlar davri.

Iqtisodiyotimizning barqaror rivojlanishi, siyosiy hayotimizni, qonunchilik, sud-huquq tizimi va ijtimoiy-gumanitar sohalarini izchil isloh qilish, aholi turmush darajasini muntazam oshirib borish tamoyilida 2001 yildan 2010 yilgacha bo‘lgan muddatni o‘z ichiga olgan ikkinchi bosqich mamlakatimizni faol demokratik yangilash, isloh etish va modernizatsiya qilish davri g‘oyat muhim ahamiyat kasb etadi. Mamlakatda demokratik islohatlarini yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish konsepsiyasida keltirilgan.

O‘zbekistonning isloh etish, liberallashtirish va modernizatsiya etish, uning taraqqiyot tizimini diversifikatsiya qilish bo‘yicha har tomonlama chuqur o‘ylangan, uzoq istiqbolga mo‘ljallangan siyosatning amalga oshirishi ana shu yillarning barchasini o‘zaro bog‘laydigan hal qiluvchi asos, o‘zak, bo‘g‘in bo‘lib xizmat qildi.

O‘zbekistonning besh ustuvor yo‘nalish – tamoyilidan iborat bo‘lgan, dunyoda taraqqiyotning “o‘zbek modeli” deb tan olingan rivojlanish yo‘li har tomonlama to‘g‘ri yo‘l ekanini o‘tgan 25 yillik istiqbol tariximiz isbotlanadi.

Biz katta yo‘lga chiqib oldik va uning amaliy natijalaridan barchamiz har kuni bahramand bo‘lmoqdamiz. Shuning uchun ishonehimiz komilki: yurtimizda hech

изучению музыкально-выразительных средств, но и осмыслению изобразительного искусства Мендельсона – художника-живописца в его акварелях и рисунках, отражающих специфику творческого процесса композитора.

Полагаем, что предлагаемый нами метод изучения Первого фортепианного концерта Мендельсона во взаимосвязи и параллелях с его живописными произведениями, может быть целесообразен и при изучении других музыкальных сочинений этого композитора.

Литература

1. Дамс В.Ф. Мендельсон-Бартольди. - Москва, 1930. - 56 с.
2. Алексеев А. История фортепианного искусства. Части I и 2. - Москва, 1988. - 415с.
3. Ворбс Г.Х. Феликс Мендельсон-Бартольди. Жизнь и деятельность в свете собственных высказываний и сообщений современников. - Москва, 1966. - 319 с.

СОДЕРЖАНИЕ

Вместо введения. Первостепенная задача.....4

I. СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ К ФОРМИРОВАНИЮ И РАЗВИТИЮ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНО-ТВОРЧЕСКОГО ПОТЕНЦИАЛА ОБУЧАЕМЫХ

Джураев Р.Х. Педагогическая культура и педагогическое взаимодействие.....	8
Джураева Б.Р. Пути повышения профессионализма педагогов ДОУ.....	15
Батырова М.А. К вопросу о социокультурных основах повышения качества воспитания студентов.....	22
Абдуллаханова Г.С. Роль ссмьи в воспитании гармонично развитого поколения.....	25
Рахматуллаева Г.М. Книга — лучший друг и мудрый учитель.....	30
Алимсандова С.А. Самостоятельная работа студентов в современном образовании.....	37
Сафарбаев Э.М. Таълим жараёни билан маънавий-маърифий ишлар узийлигини таъминлаш давр талаби.....	42
Сафарбаева Э.М. Модулли таълим технологияси.....	45
Agrova Z.M. "O'zbek modeli" istiqbolimizni belgilab bergan taraqqiy yo'li.....	48
Nurshahmatova Ch. Asosiy vositalar qanday tartibda sotiladi.....	51
Бабалжанова С.И. Выборы и молодежь.....	54

II. ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В СОВРЕМЕННОМ УЧЕБНОМ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ

Маматкулова З.М. Ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш технологиялари.....	57
Атаев О.Р., Эштаев С.А. Особенности построения микроциклов в футболе.....	61
Исломова М. Использование ИКТ на занятиях по русскому языку в группах направления гуманитарных наук.....	66

III. ЭФФЕКТИВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ В ИЗУЧЕНИИ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ В УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ УЗБЕКИСТАНА

Эгамбердиева Н. Stylistic use of intonation.....	71
Эгамбердиева Н. Components and functions of intonation.....	74
Aparbayev O.R. Communicating with difficult people.....	76